https://interscience.uz/
ISSN 2181-1709 (P)
ISSN 2181-1717 (E)
SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 10

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND METHODICAL JOURNAL

Пиримбетов Б. А. Ижодкор ўқитувчи – жамият тараққиётини белгиловчи шахс	236
Хужаниёзова О.Р. Ўқувчиларни креатив ёндашув асосида меҳнат фаолиятига йўналтириш долзарб педагогик муаммо сифатида	241
Kadirova G. X. Ijodiy ta’lim muhiti yaratishda pedagogik imkoniyatlar	244
Меликова Э. Ш. Чет тилини ўқитишда тинглаб тушунишнинг ўрни ва уни ривожлантиришнинг йўллари	249
Turakulov A.E. XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi o‘zbek milliy libosining tarixi va rivojlanishi	254
Мамажонова Камола А. O`quvchini kasbga yo‘naltirish tizimini tashkil etish bo‘yicha xorijiy va mahalliy tajriba	259
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Саматова С. Ғ., Бафаев М. М. Копинг хулқ-атвор – психологик муҳофаза сифатида	263
Мелибаева Р. Н.Шахс психик бузилишлар диагностикаси юзасидан эмпирик ўрганиш натижалари	268
Исмоилов О. Ш., Полонников А. А., Бафаев М.М. Ўзбекистон Республикасининг инновацияга йўналтирилган педагогик таълими: ривожланиш стратегияси ва тактикаси	278
Шарипова М. Т. Психологическая характеристика детей с заболеванием ДЦП	289
Гимазутдинов Р. Г. Бадминтон спортининг педагогик-психологик хусусиятлари	297
Умарова Ш. А., Мирзаева С. Р. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини касбга йўналганлигини психологик таҳлили	302
Tursunbaev S. B., Mirzaeva S. R. Boshlang‘ich sinf bolalarida o‘quv faoliyatining xususiyatlari	311
Voxidova N. X. Tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish mazmuni	317

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

***Джураев Рисбой Хайдарович**, доктор педагогических наук, академик АНРУз*

***Шамсутдинов Рустамбек Темирович**, профессор Андижанского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук*

***Мажидов Йном Урушевич**, доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

***Олимов Кахрамон Танзилович**, доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена*

***Таджиходжаев Зокирхужа Абдусатторович,** доктор технический наук, профессор*

***Мусурмонова Ойнисо,** доктор педагогический наук, профессор*

***Сафарова Рохат Гайбуллоевна,** доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи*

***Ибрагимов Холбой Ибрагимович,** доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков*

РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

***Артамонова Екатерина Иосифовна,** доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук*

***Емельянова Ирина Евгеньевна,** доктор педагогических наук, профессор, Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия*

***Кузьменко Галина Анатольевна**, доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья*

***Олимов Ширинбой Шарофович**, доктор педагогических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Сафаралиев Бозор Сафаралиевич**, доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной деятельности Челябинской государственной академии*

***Джураев Хусниддин Олтинбоевич**, доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Кулишов Владимир Васильевич,** доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет экономики и технологий, Кривой Рог, Украина*

***Лазаренко Ирина Рудольфовна**, доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного педагогического университета, Россия*

***Филиппова Оксана Геннадьевна**, доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия*

***Христо Кючуков,** доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия*

***Кумсков Михаил Иванович**, доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова*

***Тилавова Матлаб Мухаммадовна**, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Дилова Наргиза Гайбуллаевна,** PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет*

***Максименко Сергей Дмитриевич**, академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной академии педагогических наук Украины*

***Умаров Бахриддин Мингбаевич,** доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный педагогический университет*

***Козлов Владимир Васильевий,** доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидовой. Президент Международной академии психологических наук, Россия*

***Жабборов Азим Мейликулович**, доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный университет*

***Бафаев Мухиддин Мухаммадович,** PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами*

***Падалка Олег Семенович,** доктор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета имени М.П. Драгоманова, Украина*

***Ражабов Дилшод Зарипович,** доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Маджидова Раъно Уришевна,** доктор филол. наук, профессор, , Узбекский государственный университет мировых языков.*

***Файзуллаев Мухаммад Бакаевич,** кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Жамилова Башорат Сатторовна,** кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Юсупова Хилола Уктамовна,** кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический институт*

***Рузиева Мохичехра Якубовна,** PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет*

***Иноятов Сулаймон Иноятович,** доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Ражабов Кахрамон Кенжаевич**, доктор исторических наук, профессор, Ведущий научный сотрудник института Истории Академии наук Узбекистана*

***Хазретали Турсун,** доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета имени Ходжи Ахмада Яссави*

***Мамедова Ирада**, PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной Академии Азербайджана*

***Джумаев Рустам Ганиевич**, PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет*

***Тимур Хужаугли,** лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)*

***Nurettin Hatunoğlu,** Assoc. доктор, университет Зонгулдак Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук, исторический факультет (Турция)*

***Хайитов Шодмон Ахмадович,** доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Муллоджанов Сайфулло Кучакович,** доктор исторических наук, профессор. Национальный университет Таджикистана*

***Долгов Вадим Викторович**, доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет. Россия*

***Артикова Хафиза Туймуродовна,** доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Наврузова Шакар Истамовна**, доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медиценский институт*

***Гушко Сергей Владимирович**, доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-технологического университета, Кривой Рог, Украина*

***Куролов Кобулжон Кулманович**, доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова*

***Маманазаров Абдухаким Бозорович**, кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова*

***Сохибов Акрам Рустамович**, кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет*

***Умаров Бахшулло Джураевич**, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Хасанова Гулноз Касимовна,** кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИННОВАЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМИ: РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.031

Исмоилов Омилхон Шукруллаевич,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети инновацион педагогика факультети декани, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Полонников Александр Андреевич,
М. Танк номидаги Беларус давлат педагогика университетининг билиш жараёнлари психологияси илмий-ўқув лабораториясининг етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент

Бафаев Мухиддин Мухаммадович,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети психология кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида таълим амалиётини оптимал¬лаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Мақола муаллифлари уни такомиллаштиришни бир қатор қўшимча педагогик ихтисосликларни жорий этиш билан ифодаланган инновацион йўналтирилган кадрлар тайёрлашни ривожлантириш билан боғлайди. Таклиф этилаётган ихтисосликлар қаторига қуйидагилар киради: интернет журналистикаси, интернет тьюторлиги, интернет дидактикаси. Уларнинг жорий этилиши рақамли аср ва у билан алоқадор тармоқ воқелиги билан боғлиқ. Тактик жиҳатдан инновацион педагогик таълим элементлаб амалга ошириладиган ижтимоий муҳандислик, янгиликларнинг барча таркибий элементларини апробация ва экспертизадан ўтказишга мувофиқ келади.

Калит сўзлар: рақамли давр, ижтимоий-маданий хилма-хиллик, таълим инновациялари, педагогик тайёрловни ўзгартириш, холизм, элементлаб амалга оширила¬диган ижтимоий муҳандислик.

ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: СТРАТЕГИЯ И ТАКТИКА РАЗВИТИЯ

Исмаилов Омилхон Шукруллаевич,
декан факультета инновационной педагогики Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами,
кандидат экономических наук, доцент

Полонников Александр Андреевич,
ведущий научный сотрудник научно-образовательной лаборатории психологии познавательных процессов Белорусского государственного педагогического университета им. М. Танка,
кандидат психологических наук, доцент

Бафаев Мухиддин Мухаммадович,
заведующий кафедрой психологии Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами, кандидат психологических наук, доцент

Аннотация: В статье обсуждаются актуальные вопросы оптимизации образовательной практики в Республике Узбекистан. Ее совершенствование авторы статьи связывают с развитием инновационно ориентированной подготовки, выражаемой введением ряда дополнительных педагогических специализаций. В числе предлагаемых специализаций: интернет-журналистика, интернет-тьюторство, интернет-дидактика, введение которых диктуется цифровой эпохой и связанной с ней сетевой реальностью. В тактическом отношении инновационное педагогическое образование сообразуется с поэлементной социальной инженерией, апробацией и экспертизой всех структурных элементов новшеств.

Ключевые слова: цифровая эпоха, социокультурная многоукладность, образовательные инновации, трансформация педагогической подготовки, холизм, поэлементная социальная инженерия.

INNOVATION-ORIENTED PEDAGOGICAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT STRATEGY AND TACTICS

Ismailov Omilkhon Shukrullaevich,
Dean of the Faculty of Innovative Pedagogy of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Candidate of Economical Sciences, Associate Professor

Polonnikov Alexander Andreevich,
leading researcher at the scientific and educational laboratory of psychology of cognitive processes of the Belarusian State Pedagogical University named after M. Tank, Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor

Bafaev Mukhiddin Muhammadovich,
Head of the Department of Psychology, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor

Abstract: The article discusses topical issues of optimizing educational practice in the Republic of Uzbekistan. The authors of the article associate its improvement with the development of innovation-oriented training, expressed by the introduction of a number of additional pedagogical specializations. Among the offered specializations: Internet journalism, Internet tutoring, Internet didactics, the introduction of which is dictated by the digital era and the network reality associated with it. Tactically, innovative pedagogical education is consistent with element-by-element social engineering, approbation and examination of all structural elements of innovations.

Key words: digital epoch, sociocultural multi-layering, educational innovations, transformation of pedagogical training, holism, element-based social engineering.

Кириш. Таълим тарихан шахс ва маданият ўртасида муҳим воситачи вазифасини бажариб, уларнинг ўзаро алоқасини таъминлаган. Маданиятдаги ўзгаришлар таълимнинг мослашув ҳаракатларини, одамларнинг ижодий бунёдкорлик фаолияти эса маданий ўзгаришларни келтириб чиқарди, бу эса ўз навбатида ҳаётда педагогик тизимларнинг янги мослашув реакцияларини вужудга келтирди. Маданий-таълимий такрор ишлаб чиқариш циклини сақлашда педагогика фанлари мажмуаси, биринчи навбатда, гуманитар фанлар доимо иштирок

этиб, прогностик, лойиҳалаш-конструкторлаш ва эксперт баҳолаш вазифаларини ҳал қилган. Ҳозирги кун ижтимоий тузилмаларнинг фаолияти ва ўзгаришида маданий омилнинг аҳамиятини сезиларли даражада оширди, уларнинг глобаллашуви ва конперацияси феноменини келтириб чиқарди. 20-асрнинг сўнгги ўн йилликлари маданий семиоз жараёнларида туб ўзгаришларга олиб келган ахборот портлаши билан ҳам ажралиб турди.

Бугунги кунда ахборотлаштиришни талқин қилишда рақамлаштиришга, билимларни маданий ташкил этиш усулларини ва биринчи навбатда, ахборотни кодлаш, фойдаланиш ва сақлаш усулларини ўзгартиришга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Маданий фаолиятнинг ушбу томонини ажратиб кўрсатиш олимларнинг эътиборини биринчи навбатда муҳандислик масалаларига қаратади - электрон муҳитларни лойиҳалаш (мобил ва булутли технологиялар), ахборот ресурсларининг очиқлиги (оптик толали уланишлар), тобора такомиллаштирилган компьютер дастурлари ва қидирув тизимларини яратиш, маълумотларни қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш, ахборот компетенциясини эгаллаш шакллари (ўйинлаштириш, сунъий интеллект, электрон ўқув қўлланмалари ва омборлари) ва бошқалар [3; 157–158].

Шубҳасиз, ахборотлаштиришнинг ушбу ва бошқа жиҳатлари инструментал ва технологик нуқтаи назардан муҳим, аммо бу маданиятнинг ўзининг тузилишининг ўзгариши, рақамлаштиришнинг антропологик ўлчови масалаларига соя солмаслиги керак. Ахир бу ҳолда гап дунёқараш ҳақида − замонавий дунёда шахснинг мўлжал олиши табиатининг трансформациялашуви, инсон онгининг воситачилик тизимларининг сифат жиҳатидан ўзгариши ҳақида кетяпти. Оғзаки воситачилар фаол равишда визуал медиаторлар билан алмаштирилмоқда, китоб видео маданиятида марказий ўрнини йўқотмоқда ва тўғридан-тўғри мулоқот масофавий ўзаро алоқа билан алмаштирилмоқда. Замонавий француз мутафаккири Ж.Л. Ненси замонавий маданиятнинг ҳолатини баҳолаб, уни “образнинг ажойиб самарадорлиги дунёси” деб таърифлади [5;153].

Медиациянинг янги ҳолатларини ҳисобга олиш замонавий институционал таълим шароитларига бевосита дахлдор, буни инкор қилиш институционал таълим шароитларини тор соҳага айлантириб қўйиш, ҳатто ижтимоий-маданий ривожланиш йўлидаги тўсиққа айлантириш хавфини туғдиради [4;10]. Янги рақамли дунёда у нафақат электрон цивилизация ютуқларидан оқилона фойдаланиш, балки мавжуд педагогик шаклларни қайта кўриб чиқиш заруратига дуч келмоқда, яъни у таълим мазмуни, таълимий билим, ривожланиш вазифалари, унинг психологик- педагогик механизмлари, илмий-усулий ва бошқарув

таъминоти ва бошқа масалаларни қайта кўриб чиқиши зарур.

Таълим учун аҳамиятли бўлган вазият ўзгаришлари қаторига тадқиқотчилар деярли барча собиқ совет мамлакатларида мавжуд бўлган иқтисодий хилма-хилликни киритади, унинг таркибида бешинчи технологик тузум элементлари (электроника ва микроэлектроника, ахборот технологиялари, ген инженерияси, дастурий таъминот, телекоммуникация ва бошқалар) тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг аҳамияти янги касбларга ижтимоий эҳтиёж шаклланишига, касбий мобилликка, мутахассисликлар тўпламининг меҳнат бозори динамикасига умуман мос келишига олиб келади.

Ушбу ва бошқа кўплаб ижтимоий-маданий ўзгаришлар касбий таълимнинг амалдаги тизимларига, аввало университет даражасидаги таълимга қийинчилик туғдирмоқда. Тарихан, айнан университет ҳар доим энг муҳим ҳаётий ўзгаришларнинг ташаббускори бўлиб келган, бу институционал ўлчовда кўпинча янги профессионал намуналарни яратиш, синовдан ўтказиш ва жорий этишда намоён бўлган, булар ижтимоий-маданий такрор ишлаб чиқариш тизимларида ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдирибгина қолмай, жамиятга тушуниш, фикрлаш ва фаолиятнинг янги усулларини таклиф қилишга хизмат қилади, бу ишлар амалга оширилса, замонамизнинг маданий ва иқтисодий манзарасини сезиларли даражада ўзгартиришга қодир.

Шу нуқтаи назардан, университет ҳар доим у ёки бу даражада жамият¬нинг инновацион майдончаси, мисли кўрилмаган ижтимоий лойиҳалаш ва тажриба ўтказиш жойи бўлиб хизмат қилган. У турли новацияларнинг илмий ва жамоатчилик экспертизасининг намунаси, илғор техник ва гуманитар ривожланиш маркази сифатида ҳаракат қилган ва ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқда. Университетнинг инновацион миссияси замонавий жамоаларнинг инсти-туционал тузилмаларида унинг юқори мавқеини таъминлади.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бутун дунё университетлари тармоғида педагог кадрларни тайёрлаш ва илмий-методик таъминлаш билан шуғулланадиган университетлар тобора фаол рол ўйнаяпти. Бу фаолликнинг намоён бўлиш шаклларидан бири педагогик кластерларнинг ташкил этилиши, педагогика факультетларининг институтларга айлантири-лиши, янги педагогик касб ва мутахассисликлар доирасининг кенгайиши бўлди. Хусусан, сўнгги йилларда АҚШнинг кўплаб университетларида педагогик дизайнерларни тайёрлаш бўйича инновацион тизим яратилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Ушбу ўзгариш ташаббускорлари бундай янгиликка эҳтиёжни мактаб бошқарувида аниқланган номукаммаллик, бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимлари ва

тезкор педагогик ҳаракатлар тузилмалари ўртасидаги алоқаларнинг узилиши билан асослайди. Педагогик дизайнер иши концепцияси уни доим ҳам ўқув предметлари соҳасида мутахассис бўлмаган ва доим ҳам ўзи дарс бермайдиган, таълим бериш ва ўқув иши кўрсаткичлари бўйича маслаҳатчи сифатида белгилайди. Бироқ, у "лойиҳалаш менежменти ва мақсадга йўналтирилган таълимни ишлаб чиқиш билан шуғулланади" [7; 48].

Қуйидаги баёнотда собиқ совет минтақаси мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда таълим соҳасидаги инновацион ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади, педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги институционал ўзгаришларнинг стратегик йўналишлари ва механизмлари асосланади, муаллифларнинг фикрига кўра муайян инновацион мавқега эга бўлган касб ва мутахассисликлар модели контурлари тақдим этилади.

Миллий педагогик таълимдаги инновацион ўзгаришлар. Ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнларининг энг муҳим механизми бўлган таълим инновацион қарорларнинг табиати ва оқибатлари учун алоҳида масъул, чунки бу қарорлар инновациялар ваъда қилган маълум янги имкониятлар билан бир қаторда маданий фаолият ва умуман жамият ҳаётига ҳар қандай аралашув олиб келадиган хавфни ҳам ҳисобга олиши керак. Инновацияларга умумий ёндашув шундан иборатки, инновациялар ижтимоий беқарорликка, ўрнатилган анъаналарни йўқ қилишга олиб келмаслиги, маълум бир тарихий вақтда мамлакат ўз ривожланишига жиддий зарар етказмасдан инновацияларни амалга ошириш учун фойдала¬ниши мумкин бўлган иқтисодий ва интеллектуал ресурслардан ошиб кетмаслиги керак. Ўзбек жамияти учун муҳим ўзгаришлар масалалари муҳокама қилинаётганда шуни ҳисобга олиш керакки, таълимни ривожлан¬тиришнинг инновацион йўли Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият¬нинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон таълим инновацияларининг ўзига хос хусусияти миллий педагогик тизимни қуришда ўзига хосликни (ўз қиёфасини) излаш зарурати бўлиб, у айни пайтда маълум даражада нафақат таълим маконидаги қўшни халқларнинг асосий тенденцияларга мос келади, балки дунёнинг етакчи давлатларининг таълим ва тарбияни ўзгартириш амалиёти билан боғлиқликни ҳам таъминлайди. Фалсафий тил билан айтганда, гап миллий таълим қурилиши дастурларини амалга оширишда ўзига хослик ва умумийликни қўшиш ҳақида боряпти.

Инновацион назариялар соҳасидаги замонавий ишланмаларга кўра, ижтимоий тизимлардаги ўзгаришлар ташаббускорлари уларни амалга оширишда иккита ортогонал стратегияга мурожаат қилади: холистик (яхлит) ва элементли. Биринчиси – яхлит стратегия келажакни аниқ

оқилона башорат қилиш имкониятига ишончга таяниб у ёки бу тарзда асосланган якуний режага бўйсуниб, бутун тизимни тубдан ўзгартириш сифатида қурилади. Ижтимоий ўзгаришларнинг бундай амалиёти кўплаб камчиликларга эга. Хусусан, у нафақат СССР раҳбарлари томонидан қўлланилган, балки таълимни ислоҳ қилиш амалиётида ҳам намоён бўлди, бунда юқоридан буйруқ бериш орқали ўтказилган тизимли ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида ва ҳамма жойда жорий қилинди. Холизмнинг заифлиги камида иккита жиҳатдан иборат. Биринчидан, ижтимоий ривожланиш йўналишини аниқ башорат қилишнинг иложи йўқлигида, чунки бирон-бир прогноз ўзгаритиришлар режаси тузилган пайтда ҳали мавжуд бўлмаган янги билимларни ҳисобга олишга қодир эмас. Янги билимлар ҳаётий жараёнлар фаолиятининг мазмуни ва табиатига тубдан таъсир қилиши мумкин. Бугунги кунда, масалан, бу нанотехнология, биоинженерия ва сунъий интеллект соҳасидаги ишланмалардир. Эртага нимани биламиз? Бу саволга мунажжимларгина ишонч билан жавоб бериши мумкин. Иккинчидан, холизм ўз тарафдорларини вазиятни баҳолаш ва мавжуд маданий ресурсларни (иқтисодий, молиявий, кадрлар, интеллектуал ва бошқалар) ҳисобга олишнинг нотўғрилиги билан боғлиқ хато қарорлар асирига айлантирди. Машҳур файласуф ва фан методологи К.Р. Поппер томонидан концептуаллаштирилган иккинчи стратегия – элементлаб амалга ошириладиган ижтимоий муҳандислик холизм туғдирадиган хавфлардан қочишга интилади. Поппер шу муносабат билан шундай ёзади: “Элементлаб” ишлайдиган муҳандиснинг ёндашуви қуйидагича. У бутун жамият ҳақидаги баъзи идеалларни − масалан, унинг фаровонлигини қадрласа ҳам, бутун жамиятни қайта қуришга ишонмайди. У қандай мақсадларни қўймасин, кичик тузатишлар ва ўзгартиришлар ёрдамида доимий равишда қандайдир яхшиланишларни кирита бориб уларга эришишга умид қилади» (9; 78].

Ўзбекистон Республикасида педагогик кадрлар тайёрлашни инновацион ривожлантиришга бағишланган ушбу матн муаллифлари ўз ёндашувларида асосий эътиборни “элементлаб” амалга ошириладиган муҳандислик концеп-циясига қара¬тишга мойил, бу эса, албатта, ижтимоий-маданий вазият мониторинги ва педагогик таълимни трансформациялашда ҳисобга олиниши керак бўлган объектив ўзгаришларни эътиборга олишни истисно қилмайди. Гап, биринчи навбатда, кириш қисмида қайд этилган ахборотлаштириш ва рақамлаштириш, кўп тармоқлилик жараёнлари ва таълим соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг шундай ҳолати ҳақида бормоқдаки, бунда шубҳасиз муваффақиятлар билан бир қаторда эксперт танқидига учрайдиганган қатор камчиликлар ҳам мавжуд.

Бундай танқид, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 16 июн куни Олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида билдирилди. Унда мамлакат раҳбари ўтказилган социологик сўровга асосланиб олий таълимни модернизация қилиш жараёнини

танқидий баҳолади, сўровга кўра респон-дент¬ларнинг 65 фоизи олий таълим тизимидаги ислоҳотлар самарасини ҳис қилмаётганини айтган. Президентнинг фикрича, олий ўқув юртлари битирув-чилари мамлакатимизда ривожланаётган бозор талабини на миқдоран, на малакаси билан қондира олмайди [1].

У олий таълим муассасаларида таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш, ихтисослаштирилган фанлар сонини кўпайтириш зарурлигини ҳам таъкид-лади. Олий маълумот талаб қиладиган касблар рўйхатини оптималлаштириш, халқ хўжалигининг турли тармоқларида талаб катта бўлган янги касбларни жорий этиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, таълим Ўзбекистон тараққиётининг стратегик устувор йўналиши бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолиши, унинг асосий бўғини эса педагоглик касби эканлиги таъкидланди. “Жамиятимизда боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ва ижодкор зиёлилар Учинчи Уйғониш даврининг тўртта мустаҳкам таянчини ташкил этади”, – деди Президент. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, мамлакат сиёсий раҳбарияти таълимни инновацион ривожлантиришнинг муҳим мезонлари ва йўналишларини (янги касблар) аниқ белгилаб берди, шунингдек, инновацион ижтимоий ўзгаришларнинг “ҳаракат камари”ни кўрсатди (ўқитувчилик касби). Шундай қилиб, инновациялар ҳақидаги сўзлар ўз мақомини ўзгартирди, метафорадан тушунча даражасига етди. Бироқ сиёсий раҳбарият кўрсатган йўналиш бўйлаб ҳаракат қандай амалга оширилишини биринчи навбатда экспертлар ҳамжамияти ҳал қилади.

Элементли муҳандислик педагогик таълимнинг инновацион ривожланишини амалга ошириш механизми сифатида

Ўзбекистон Республикасининг педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш лойиҳасининг мақсади замонавий педагогик компетен-цияларга эга бўлган ҳолда мамлакатнинг турли таълим муассасаларидаги иш жойларида таълим муносабатларини оптималлаштиришга ҳисса қўшадиган инновацион йўналтирилган таълим мутахассисларини етиштириш ва такрор етиштиришнинг кенгайтирилган механизмини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишдан иборат. Гап тизимли ва касбий-педагогик асосда амалга оши-рилаётган, мавжуд педагогик мутахассисликларни тўлдирадиган ва Ўзбекис-тон Республикасида ўзининг барча даражасида қўлланаётган таълим тажрибасини модернизация қилиш учун асос бўладиган янги мутахассислик-ларни яратиш ҳақида бормоқда. Мутахассисликларни ислоҳ қилишда асосий эътибор шунга қаратилганки, мамлакатдаги меҳнат бозорига йўналтирилган иқтисодий ва маданий хилма-хиллик шароитида педагогик кадрлар тайёрлашнинг белгиланган таълим траекторияларини бир вақтнинг ўзида рад этиш нафақат таълимни такрор ишлаб чиқариш тузилмаларида кадрлар тақчиллигини келтириб чиқариши, шунингдек, ҳаддан ташқари ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши, шунингдек, жамоатчилик ва касбий-педагогик ҳамжамият ўртасида таълим сиёсатига ишончсизлик туғдириши мумкин. Шу

муносабат билан таклиф этилаётган лойиҳа университетнинг жорий педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятида амал қилаётган мақсад ва технологияларини тизимли (холистик) ўзгартиришга қаратилган эмас.

Фақат юқорида айтиб ўтилганидек, «мутахассисликлар» деб аталадиган нарса ўзгартирилади. Педагогик профилдаги таълим муассасаларида бакалавриат даражасида инновацион таълим компетенциялари билан боғлиқ касбий йўналишлар лойиҳаланади ва яратилади, биз буни мисол сифатида қуйида келтирамиз. Ҳозирча таклиф қилинган ғоя баёнини давом эттирамиз. Талаба томонидан эгалланадиган асосий касбга қўшимча бўлиб, уни такомиллаштириш учун зарур магистратура таълими билан қўллаб-қувватланадиган ихтисослик қулай шароитларда янги педагогик касбнинг асосига айланиши, таълим хизматлари рўйхатини кенгайтириши, ёш мутахассислар-нинг бандлик ҳолатини яхшилаши, мамлакатимизда вужудга келаётган янги технологик тузилмаларни мазмунан бойитиш учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Инновацион шакллар сифатида намоён бўлиб таълимий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий ривожланишнинг барқарор трендларига мос келадиган ўзгаришларни келтириб чиқара ва сақлаб тура оладиган бир нечта мутахассислик намуналарини кўриб чиқайлик.

Педагогик интернет журналистикаси (блогосфера, интернет-таҳлил, интернетнашрлари). Ушбу ихтисосликни таклиф қилиш интернет тармоғи воқелигидаги педагогик фаолиятга бўлган талаб билан боғлиқ бўлиб, у билан ёшларнинг манфаатлари тобора уйғунлашиб, унга мустақил таълим тартибида уларнинг таълим ва дунёқарашга оид қизиқишлари кўчмоқда. Гап педагогларнинг янги компетенциялари, қобилияти ҳақида бормоқда, у ўз таркибига уларнинг нафақат ўқитувчилик касбига эга бўлиши, балки Интернет-мулоқот тамойилларидан хабардорлик, мактаб ўқувчиларининг аноним хатларига психологик-педагогик жавоб бериш усуллари билан танишлиги, давлат ва чет тилларида ёшларнинг манфаатларини ифодалаш амалий кўникмаларига эгалиги, шунингдек, уларга интернет муҳитида айланиб юрувчи ахборотга танқидий муносабатда бўлишни ўргата билишини ҳам олади. Интернет журналистлари учун ўқув дастурларини яратишда университетларнинг филология ва журналистика факультетлари, социологик ва психологик таълим бўлимлари томонидан уларга мослаштирилган ўқув курсларидан фойдаланиш мумкин.

Интернет тьюторлиги (индивидуал тармоқ таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва сақлаш). Ушбу турдаги ихтисосликка бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши мактабларда давлат стандартлари билан белгиланган ўқув фанлари ва уларни қўллаб-қувватловчи илмий-методик воситалар билан фаол рақобатлашётган мустақил таълим улушининг кескин ортиши билан боғлиқ. Ҳеч кимга сир эмаски, Интернетда осонгина кезадиган талабалар мақсадга йўналтирилган мустақил ўрганиш, Интернетнинг таълим ресурсларини топиш, баҳолаш ва улардан

фойдаланишда ожиз бўлиб қолади. Албатта, кўпчилик, айниқса ёш ўқитувчилар, ўқувчиларнинг мустақил билим олишга интилишларини рўёбга чиқаришга ёрдам беришга тайёр, аммо бу борада уларнинг касбий тайёргарлиги, шубҳасиз, янада мукаммал бўлишга муҳтож. Интернет тьюторлик соҳасидаги янги компетенция таълимий ўзаро мулоқотнинг номасофавий шаклларини ҳам истисно этмайди, бироқ тьюторнинг тармоқдаги ва бевосита мулоқотдаги хатти-ҳаракати турли хил психологик асосларга таянади ва ушбу педагогик компетенциянинг турларини амалий фарқлаш ва моҳирона бирлаштиришни талаб қилади.

Онлайн дидактика (масофавий таълим тизимларида киришни бошқариш ва контентни тартибга солиш). Инновацион педагогик таълимнинг таклиф қилинаётган бу шакли офлайн ва онлайн таълим нисбатининг сезиларли ўзгариши, электрон алоқа воситаларининг ривожланиши ва сўнгги йиллардаги эпидемиологик ҳолатлар туфайли иккинчисининг аҳамиятининг тез ўсиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан мавжуд масофавий таълим дастурларини амалга ошириш жараёнини анъанавий таълим ўқув дастурлари билан мувофиқлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлаш зарурати туғилди. Онлайн дидактнинг касбий компетенцияси психологик-педагогик ва ахборот-техникавий компетенция чегарасида шаклланади ва ундан ҳам турли сифатли мулоқот қобилиятлари асосларини, ҳам дидактик усулларда мўлжал олишни, ҳам компьютер саводхонлигига эга бўлишни талаб қилади. Шубҳасиз, онлайн дидактларнинг ўқув дастурларини тайёрлашга ҳозирда университетда янада тор ихтисослаштирилган вазифаларни ҳал қилаётган анча кенг профилдаги университет ходимлари жалб қилиниши мумкин.

Хулоса. Жамоатчилик муҳокамасига таклиф этилаётган лойиҳа ғояси Ўзбекистон Республикасининг педагогик кадрлар тайёрлаш тизимида замонавий педагогик компетенцияларга эга бўлган ҳолда мамлакатимизнинг турли таълим муассасаларидаги иш жойларида таълим муносабатларини оптималлаштириш ва ривожлантиришга ҳисса қўшадиган инновацион йўналтирилган педагог кадрларни етиштириш механизмини яратишга қаратилган. Ушбу ғояни амалга ошириш йўли тизимли ва касбий-педагогик асосда амалга ошириладиган янги ихтисосликларни яратиш билан боғлиқ. Ушбу янги ихтисосликлар мавжуд педагогик ихтисосликларни тўлдиради ва таълим хизматларининг янги турларини таклиф қилибгина қолмай, Ўзбекистон Республикасида таркиб топган таълим тажрибасини модернизация қилиш мазмунига ижтимоий эҳтиёжни белгилайдиган ўзига хос диагностика воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мақолада фақат таълим инновациясининг умумий ғояси келтирилган. Уни амалга ошириш кўп қиррали мутахассисларнинг (файласуф, социолог, иқтисодчи, психолог, педагог, IT мутахассиси ва бошқалар) аниқ ва мувофиқлаштирилган концептуал ишини, шунингдек, лойиҳанинг барча таркибий қисмлари, шу жумладан уларни жорий

қилишнинг узоқ муддатли оқибатларини экспериментал синовдан ўтказиш ва баҳолашни талаб қилади. Кўриниб турибдики, бундай ташаббус Ўзбекистон таълим тизимининг барча таркибий бўғинларини дарҳол қамраб олмасдан, тажриба ўқув масканларидан бири (педагогика факультетлари, педагогика университети)да амалга оширилиши ва ҳар томонлама текширилиб, жамоатчилик муҳокамасидан сўнггина бошқа педагогик муассасаларга ўзлаштириш учун таклиф қилиниши мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, мақола муаллифлари томонидан таклиф этилаётган янги таълим шакллари бўлажак таълим мутахассисларини инновацион йўналтирилган тайёрлашнинг баъзи бир намуналари бўлиб, уларнинг рўйхатини биринчи навбатда мамлакатнинг минтақавий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек умуман унинг таълим сиёсатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда тўлдириш мумкин.

Адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. 16 июнь, 2021 йил. https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/16/high-education/

2. Рейнголд Г. Умная толпа: новая социальная революция / Пер. с англ. А. Гарькавого. – М.: ФАИРПРЕСС, 2006. – 416 с.

3. Воротницкий Ю. И. Электронное обучение // Цифровая трансформация. Основные понятия и терминология: сб. статей / редкол.: А. В. Тузиков (пред.) [и др.]. – Минск: Беларус. навука, 2020. – С. 156–159.

4. Kwiecinski Z. Pedagogie postu. – Krakow: Impuls, 2012. – 442 s.

5. Нанси Ж.-Л. Складка мысли Делеза // Vita cogitans. – 2007. – № 5. – С. 149–156.

6. Касаткина Н. Э., Красношлыкова О. Г., Руднева Е. Л., Семенкова Т. Н., Леванова А. Е. Опережающая система подготовки кадров для региона в образовательных и профессиональных организациях // Профессиональное образование в России и за рубежом. – 2020. – № 3 (39). – С. 15–20.

7. Reigeluth C., Beatty B., & Myers R. Instructional-design theories and models: The learner-centered paradigm of education (Volume IV). – New York: Routledge, 2016. – 464 p.

8. Бабосов Е. М. Основные принципы становления национальной инновационной педагогической системы в Беларуси // Педагогическое образование в условиях трансформационных процессов: методология, теория, практика = Teacher education in the context of transformation processes: methodolody, theory and practice: материалы V междунар. науч.-практ. конф., Минск, 20 окт. 2011 г. / Белорус. гос. пед. ун-т им. М. Танка; под науч. ред. А. В. Торховой, З. С. Курбыко. – Минск: БГПУ, 2012. – С. 424–426.

9. Поппер К. Р. Нищета историцизма / Пер. с англ. – М.: Прогресс – VIA, 1993. – 187 с.

10. Szkudlarek T. Media. Szkic z filozofii i pedagogiki dystansu. – Kraków: Impuls, 2009. – 151 s.

Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6 октябрда ўтган.
Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.
Журналнинг ҳажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика, физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фалсафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичига олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий ва махсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация, интеграция,Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; узлуксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари; ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 25.10.2022. Буюртма №1345.
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.

ISSN 2181-1717 (E)
9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)
9 772181 170902

